



Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият



Жиноят ишлари бўйича Термиз тумани суди ва Термиз туман адлия бўлими ҳамкорлигига Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривошланиш институтида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида “Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият” мавзусида давра сухбати ўтказилди.



Тадбирда жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди раиси Одил Бегимқулов ва Термиз туман адлия бўлими бошлиғи Боходир Ашурев сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ҳамда ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.



Давра сухбати якунида иштирокчиларнин саволларига мутасаддилар томонидан жавоб берилди.

Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати